ЕТТБ БИЛАН ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ВА КЕЛАЖАК ХИЗМАТИДА

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2003-YIL ■ 4-MAY ■ YAKSHANBA ■ 56 (27.076) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.





Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki

# Президентлар учрашуви



**Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлисида иштирок этиш учун Тошкентга кўплаб мамлакатлардан нуфузли меҳмонлар ташриф буюрмоқда. 3 май куни Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе пойтахтимизга келди.**

Тошкент аэропортида Грузия раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида томонлар Ўзбекистон — Грузия муносабатларига оид масалалар, халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди.

ЕТТБнинг Тошкент анжумани нафақат жаҳон иқтисодий жамоатчилигининг Ўзбекистон ва Марказий Осиёга эътиборини кучайтириши, балки кўплаб фойдали учрашувлар учун имконият яратиши билан ҳам аҳамиятлидир. Ўзбекистон — Грузия муносабатлари нуқтаи назаридан қараганда, ТРАСЕКА дастурини муваффақият билан ниҳоясига етказиш, қадимги Буюк ипак йўлини тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларга халқаро ҳамжамиятнинг ёрдамини кўпайтириш учун қулай фурсат туғилмоқда.

Анжуман иштирокчилари ЕТТБ раҳбарияти, нуфузли сармоядорлар, ишбилармонлар билан учрашиб, ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилади. Демак, Тошкент анжумани Грузия учун ҳам ғоят фойдали кечади, дейишга асослар етарли.

Э.Шеварднадзенинг ушбу ташрифи азалдан мавжуд бўлган, истиқлол йилларида янги суръат билан ривожланиш палласига кирган анъанавий Ўзбекистон — Грузия муносабатларининг бугунги ҳолатини таҳлил этиш ва истиқболларини белгилаш учун ҳам қулай имконият яратади.

Мамлакатларимизнинг кўпгина халқаро масалалар бўйича қарашлари бир хил. Хусусан, Ироқ муаммосини бартараф этишда бундай ёндашув яна бир бор ўз ифодасини топди. Ўзбекистон ва Грузия Президентлари МДҲ доирасидаги жараёнларни баҳолаш, мазкур тузилмани ислоҳ этиш борасида ҳамфикрдир.

Учрашувда Ислом Каримов Эдуард Шеварднадзенинг ташрифи ЕТТБ анжуманининг нуфузини оширишини, Грузияда Ўзбекистондаги ўзгаришларга, мамлакатимизда эса Грузиядаги ўзгаришларга қизиқиш катта эканини таъкидлади.

Юксак мартабали меҳмон, ҳақиқатан ҳам, Грузияда Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёни диққат билан кузатиб борилишини маълум қилиб, ўз мамлакати Ислом Каримовнинг икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолашини қайд этди.

Президентлар суҳбати чоғида сиёсат, иқтисодиёт, транспорт коммуникациялари, маданият, ижтимоий соҳага оид кўплаб масалалар муҳокама қилинди.

Тошкент анжумани доирасида Грузиянинг ҳам тақдимоти бўлиб ўтади.

**(ЎзА)**

✧✧✧

**Суратда:** қабул пайти.

# Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳиятига бағишланди

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳиятига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгашининг Тошкент анжумани доирасида уюштирилди. Унда жаҳоннинг йирик молия муассасалари раҳбарлари, ишбилармонлар, сармоядорлар, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Марказий Осиёда ўзига хос ўрин тутган давлат.

У Буюк ипак йўлида жойлашган. Мамлакатимиз Шарқу Ғарб, Шимолу Жануб ўртасидаги робитадир. Бу заминда азалдан савдо-сотиқ ривожланган.

— ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг XII мажлиси Тошкентда ўтаётгани Ўзбекистон учун, қолаверса, бутун минтақамиз учун иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жиҳатдан улкан воқеадир, — деди Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов тадбирни очар экан. — Анжуманда иштирок этиш учун юртимизга дунёнинг деярли барча молия муассасалари вакиллари, олти юзга яқин иш одамлари, сиёсатчилар ва ўнлаб мамлакатдан оммавий ахборот воситалари вакиллари келган. Одатда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик мавжуд бўлган мамлакатга сармоя киритилади. Буни Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон ҳозирги кунда 120 дан ортиқ мамлакат билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик ўрнатган. Мамлакатимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда уч мингдан ортиқ қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 80 фоизи ишлаб чиқариш соҳасида банд. Мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун зарур шароитлар яратилган. Иқтисодиётга жалб этилаётган сармоя ҳажмини янада кўпайтириш, самарадорлигини оширишнинг аниқ режалари ва лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, сармоядорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий базаси янада такомиллаштирилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча матбуотда эълон қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам фикримизнинг тасдиғи бўла олади. Таъкидлаш жоизки, бу борада ЕТТБ билан яқин ҳамкорлик қилиб келинаётир.

— Ўзбекистоннинг сармоявий имкониятларига бағишланган мазкур анжуман ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг XII мажлиси арафасида ўтаётгани катта аҳамиятга эга, — деди ЕТТБ президенти Жан Лемьер. — Йиғилишга келган ишбилармонлар учун Ўзбекистоннинг сармоявий имкониятлари билан яқиндан танишиш жуда муҳимдир. Мазкур анжуман юксак даражада ташкил этилгани учун Президент Ислом Каримовга, Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдираман.

Кеча Тошкентда бир гуруҳ кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашдим. Улар Ўзбекистонда сармоя жалб қилиш шароити яхшиланиб бораётганини айтди. Бу мамлакатингизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар яхши натижалар бераётганидан далолатдир.

Ўзбекистон тўғри молиявий сиёсат юритмоқда. Миллий валюта барқарор. Пахта ва ғалла нархини белгилашда реал қарорлар қабул қилинган. Ўзбекистон сармоявий имкониятлари катта мамлакатдир. Бу имкониятларни янада тўлароқ ишга солиш лозим. Бу борада тадбиркорларнинг ташаббус кўрсатиб ишлаши муҳим аҳамиятга эга. Банкимиз Ўзбекистон ҳукумати билан шу йўналишда бундан кейин ҳам яқиндан ҳамкорлик қилаверади.

2-бет

## ЖАН ЛЕМЬЕР: «Ўзбекистон билан ҳамкорликдан мамнунмиз»

ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик йиғилиши арафасида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки раҳбари Жан Лемьер ана шундай фикр билдирди.

2000 йилнинг 3 июлида ЕТТБнинг тўртинчи президенти сифатида ҳозирги вазифасини бажаришга киришган 53 ёшли Жан Лемьернинг хизмат рўйхати анча сермазмун. У Парижнинг машҳур политехника фанлари институти ва Миллий маъмурий мактабни битирган. Ҳуқуқ бўйича илмий даражага эга, кўп йиллар халқаро молиявий ташкилотларда ишлаган, жумладан Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Франция хусусий офисини бошқарган ҳамда Франция ғазнаси директори лавозимида фаолият юритган. Жан Лемьер, шунингдек Европа валюта қўмитаси аъзоси сифатида ҳам хизмат қилган, ЕТТБдаги ҳозирги лавозимга кўтарилгунича Европа иқтисодиёт ва молия қўмитаси раиси бўлган. У Франция солиқ қўмитаси раҳбари ҳам бўлган ва Солиқ сиёсати маъмуриятини бошқарган.

Тошкентда оммавий ахборот воситалари вакиллари олдида сўзга чиқиб, ЕТТБ раҳбари шуни қайд этдики, навбатдаги йиғилишни Тошкентда ўтказишга қарор қилиниши ўзига хос аҳамиятга эга. Ўз тарихи давомида биринчи бор банк анъанавий йиғилиш жойини ўзгартиришга қарор қилди ва бунинг учун Ўзбекистон пойтахтини танлади. Банк раҳбари йиғилганларнинг эътиборини тадбир иштирокчиларининг кўп сонлилигига қаратди — йиғилишда 2 мингдан зиёд киши қатнашмоқда, бу эса, унинг фикрича, бундай анжуман учун салмоқли кўрсаткичдир.

ЎзА мухбирининг мамлакатимизда амалга оширилган лойиҳалар натижалари ҳақидаги саволига жавоб берар экан, жаноб Ж.Лемьер уларнинг бажарилишидан ҳамда Ўзбекистон билан ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганидан мамнун эканини маълум қилди.

**Азиза ТЎЙЧИБАЕВА,**
**ЎзА мухбири**



**Ж.КАМЕЛ,**
**Халқаро транспорт хизматини ривожлантириш уюшмасининг президенти:**

— Кеча «Ўзбекистоннинг экспорт ва сармоявий салоҳияти» кўргазмаси мамлакатингиз ҳақидаги таассуротларимни янада бойитди. Бизнинг ташкилотимиз вазифаси — халқаро миқёсда намунали транспорт хизмати тизимини шакллантириш ва эркин дунё бозорига энди-энди кириб бораётган давлатларда соҳа ривожига эришишда уларга кўмаклашишдан иборат.

Ўйлайманки, барча давлатлар каби Ўзбекистон учун ҳам жаҳон бозорига чиқишда транспорт воситалари хизматини дунё андозалари даражасига кўтариш ўта муҳим. Бу борада, Ўзбекистон ҳаво йўллари, Ўзбекистон темир йўллари компаниялари билан юк ҳамда йўловчилар қатновини ташкиллаштиришда хизмат сифати даражасини ошириш юзасидан қатор шартномалар имзолаганмиз.

Қолаверса, Ўзбекистон учун денгиз йўли ҳам жуда-жуда керак. Тарихдан биламанки, ўз даврида буюк боболарингиздан — Соҳибқирон Амир Темур ҳам денгизга йўл излаган экан. Мустақилликка эришганларингиздан сўнг эса Президентингиз Ислом Каримов бу ҳақда халқаро анжуманларда ҳам гапирди. ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг бугун ўз ишини бошлайдиган йиллик йиғилишида айни шу масалалар хусусида ҳам гап боради ва айни шу соҳаларга халқаро ҳамжамият банклари ўз сармояларини ажратади, деган ишончдаман.

Сўзимнинг охирида Ўзбекистоннинг бугунги тароватини, айниқса, баҳорий жамоли, пойтахтингиз рухсори, одамларнинг очиқ кўнгиллилиги мени беҳад мамнун этганлигини ҳам айтиб қўяй.

Ўзбекистон ва ўзбекистонликларга омад тилайман.

# Ютуқларимиз намойиши

**ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Бобур Собиров)** 3 май куни пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазма марказида Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик мажлиси доирасида «Ўзбекистоннинг экспорт ва сармоявий салоҳияти» мавзуидаги кўргазма очилди.

Мажлиснинг асосий учрашувлари, музокара ва мулоқотлари арафасида очилган бу кўргазма «иқтисодий олимпиада» сифатида талқин этилаётган ЕТТБ саммитига старт берилганининг ўзига хос белгиси бўлди.

Кўргазмага ташриф буюрганлар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар кўлами, асосий йўналишлари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имкониятига эга бўлади. Енгил саноатдан машинасозликкача, қишлоқ хўжалигидан юқори технологияларгача бўлган соҳаларда фаолият юритаётган фирма ва компанияларнинг намойиш этилаётган юқори сифатли маҳсулотлари мамлакатимиздаги ислоҳотлар самараси, қўлга киритилаётган ютуқларнинг яққол намунаидир.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев ҳамда ЕТТБ биринчи вице-президенти Норин Дойл хоним мазкур кўргазма Ўзбекистоннинг юксак салоҳият ва улкан имкониятларга бой мамлакат эканлигидан ёрқин далолат беришини таъкидлади. У халқимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқларини намойиш қилишда катта аҳамиятга молик тадбирдир. «Ўзбекистоннинг экспорт ва сармоявий салоҳияти» кўргазмаси мамлакатимизни дунё ишбилармонларига янада яқинроқ танитиш, ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар кўламини кенгайтириш, хорижий сармоядорлар билан ўзбекистонлик тадбиркорлар ўртасидаги бевосита ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун ҳам қулай имконият яратади.

2-бет







**Жессика УЭСТ:**
**ЮСАИДнинг Марказий Осиё бўйича табиий ресурслар бошқарувини такомиллаштириш дастурининг жамоатчилик фикрини мувофиқлаштириш координатори:**

— Биз Марказий Осиёда сув, энергетика ва ер ресурслари бошқаруви соҳасида иш олиб борамиз. Аниқроғи, табиий ресурслар бошқарувини такомиллаштириш лойиҳаси (NRMP) устида ўзбекистонликлар билан ҳам қалин ҳамкорлик қиламиз. ЮСАИД томонидан молиялаштирилаётган мазкур лойиҳанинг мақсади — Марказий Осиё давлатларида табиий ресурслар бошқарувини такомиллаштиришга оид техник ёрдам кўрсатиш.

Бунда шубҳасиз, энг аввало, жамоатчилик фикри ва уларнинг фаол иштироки катта роль ўйнайди. Улар томонидан минтақа мамлакатлари манфаатларига жавоб берувчи лойиҳаларнинг қўллаб-қувватланиши илғор технологияларни жорий этишда ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга ошишига замин бўлиб хизмат қилади.

Худди шундай ҳамкорлик туфайли Андижон вилоятидаги Пахтаобод канали сув тақсимотини муқобиллаштириш бўйича катта ишлар олиб бордик. Унинг бошқаруви автоматлаштирилди. Натижада, вилоят ва унинг атрофидаги ҳудудларда суғориш ишлари яхшиланди, ҳосилдорлик ошди ва фермер хўжаликларининг иқтисодий ривожи кўтарилди. Сув мониторинги йўлга қўйилиб, маҳаллий операторлар ўқитилди. Уларга кузатиш ишларини олиб бориш ва баҳолаш воситалари тақдим этилди.

Бу ютуқларга сўзсиз, ЕТТБ доирасида Марказий Осиё банки орқали олинган кредитлар самараси туфайли эришилди. Ўйлайманки, Тошкентда ўтаётган катта халқаро молиявий анжуманда ҳамкорлигимизга кенг истиқболлари очилади.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА
BUSINESS BANK

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки, Швейцария Давлат иқтисодиёт қўмитаси, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ҳамкорликда ЕТТБнинг кичик ва ўрта бизнес кредит линияси доирасида шу йил март ойида **«Бизнес лойиҳалар кўриги»** танловини эълон қилиб, унга мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхона, компания, фирма, ишбилармон ва тадбиркорларни даъват қилганди.

ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик йиғилиши олдидан кўрик-танловнинг нуфузли ҳайъат аъзолари 5 та тижорат-ҳамкор банк — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки, «Асакабанк», «Пахтабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўзуйжойжамғармабанк» томонидан танлаб олинган 18 та бизнес лойиҳа ишини муфассал кўриб чиқди.

# Кўрик ғолиблари аниқланди

Анжуман арафасида ана шу кўрик ғолиблари аниқланди. Швейцария ҳамкорлик бюроси ҳомийлигида ўтказилиб, SAIPRO компанияси томонидан мувофиқлаштирилиб борилган ҳамда бир юз қиркдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес корхоналари иштирок этган, пировардида, улардан 18 таси финалга чиққан мазкур тадбирда Тошкент шаҳридаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган **«Нонаш»** кичик корхонаси ғолиб бўлди.

**ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши**нинг йиллик йиғилишида иштирок этиш учун Тошкентга ташриф буюрган банк **президенти Жан ЛЕМЬЕР** ушбу корхонада бўлди.

**— «Нонаш» сингари кичик компаниялар мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қиладиган асосий бўғинлардир, — деди Жан Лемьер. — Лекин, ҳали эндигина фаолият бошлаётган бундай кичик корхоналар муайян қийинчиликларга дуч келиши, табиий. ЕТТБ келгусида ҳам Ўзбекистон ҳукумати билан иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланган кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда «Нонаш» сингари корхоналар жамоаларига кўмак бериш борасида самарали ҳамкорликни кенгайтириб бораверади...**

«Нонаш» қиймати 20 минг АҚШ долларига тенг офис электрон жиҳозлари билан тақдирланди. Шунингдек, у кредит олишда муайян имтиёзлар ҳамда «Ўзбекинвест» миллий экспорт-импорт суғурта компаниясининг учта бепул суғурта полисини ҳам қўлга киритди.

Ҳозир «Нонаш» маҳсулотлари — печенье ва пряниклар мамлакатимиз савдо дўконларида кенг харид қилинаяпти. Айниқса, «Славянские» маркаси билан чиқарилаётган қандолат маҳсулотлари истеъмолчилар эътиборини қозонди. Корхона ўз фаолиятини кенгайтириш учун ЕТТБнинг кичик ва ўрта корхоналар учун ажратаётган кредитлари ҳисобидан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки орқали 125 минг АҚШ долларига тенг миқдорда кредит олишни режалаштирди.

**Шукрулла ФАЙЗУЛЛАЕВ, корхона раҳбари: — Компания ЕТТБ томонидан ажратилган кредитга Германиядан янги технология харид қилади ва маҳсулот турларини кўпайтиради. Бу — корхонада яна ўнлаб янги иш ўринлари очилади, деганидир.**

Қадоқлаш идишлари, полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни ҳамда пластик идишларни қайта ишлаш жараёнларига ихтисослашган «Пекин-Чирчиқ» фирмаси танловда иккинчи ўринни эгаллади. У «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан қўллаб-қувватланди. Учинчи ўрин эса бизнес-лойиҳаси «Пахтабанк» томонидан тақдим этилган «ЎзбекКсерокс» компаниясига насиб этди. Бу корхоналар ҳам швейцариялик ҳомийлар томонидан офис жиҳозлари ва компьютерлар билан таъминланади. Уларга ҳам суғурта полислари текин тақдим этилиб, кредит олишда муайян имтиёзлар берилади.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

# Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳиятига бағишланди






(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизнинг сармоявий салоҳиятига бағишланган ушбу анжуман очиқ мулоқотларга бой бўлди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён иқтисодий соҳада улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Экспорт ҳажми йилдан йилга ўсиб боряпти. Унинг аксар қисми тайёр маҳсулотлардан иборат.

Илгари пахтанинг атиги 10 фоизи ўзимизда қайта ишланар эди. Бу кўрсаткични яқин келажакда 50 фоизга етказиш режаси ишлаб чиқилган. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича ҳам катта имкониятларга эга. Демак мазкур соҳаларга сармоя киритиш хорижлик иш одамлари учун ҳам ғоят фойдалидир.

Иқтисодиётимизнинг яна бир муҳим соҳаси сайёҳликдир. Бу соҳани ривожлантиришнинг аниқ режалари ишлаб чиқилган бўлиб, изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳиятига бағишланган ушбу анжуман мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда, хорижлик иш одамлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Саидмурод РАҲИМОВ, ЎзА мухбири**



Республикамиз вилоятларида Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки сармояси билан бунёд этилган у ёки бу қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари жуда кўп. Навоий вилоятида мазкур банк кредити эвазига фаолият бошлаган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси шулар жумласидан. Корхона банк 112 миллион АҚШ доллари миқдорида ажратган валютаси ҳисобига ташкил топди. Ҳар йили ўртача 14-15 миллион тонна иккиламчи хомашё ва тоғ жинсларини қайта ишлаб, соф олтин қуймаси олаётган «Майнинг корпорейшн» ўтган саккиз йил давомида олинган имтиёзли кредитнинг тенг ярмидан кўпини узишга ҳам муваффақ бўлди. Энг муҳими, олис чўл туманлари — Томди, Конимех, Учқудуқда ишсиз юрган юзлаб ёшлар турғун иш жойларига эга бўлишди.

# Имкониятлар кўлами



Банкнинг 1 миллион 190 минг АҚШ доллари ҳажмидаги тенг кредити ҳисобига иш бошлаган «Нурота мармар» фирмаси ҳам бугунги кунда мармар харсанг тошларни Италиянинг «Педрини» фирмаси асбоб-ускуналари ва технологияси асосида кесиб, сайқаллаб жаҳон бозорига олиб чиқмоқда. Навоийдаги «Каррара Мармар» шўъба корхонаси эса худди шунча миқдордаги маблағ эвазига шаклланиб, эндиликда хориж мамлакатларига маҳсулот жўнатиб турибди.

— Фақат Европадагина эмас, жаҳон даражасида ўз мавқеига эга ЕТТБдан «Навоийсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Агромаҳсулот» шўъба корхонаси 1 миллион 367 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, ҳозир қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнларига тайёргарлик кўраяпти, — дейди вилоят марказий банки бошқарувчиси Ғолиб Содиқов. — Вилоятда мазкур банк сармояси билан тикланиб олаётган корхоналар сафига «Лангар гранит» қўшма корхонасини ҳам қўшиш мумкин. Корхона яқинда ЕТТБдан 1 миллион чет эл валютаси миқдорида кредит олиб, Россиянинг «Реверой» фирмаси билан ҳамкорлик бошлади. Бу ерда гранит блоклар ва дала шпати ишлаб чиқарилоқда.

**Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# Ютуқларимиз намойиши




(Давоми. Боши 1-бетда.)

Умумий майдони минг квадрат метрни ташкил этувчи кўргазмада мамлакатимиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқларида, хусусан, машинасозлик, автомобилсозлик, кончилик соҳаларида эришилган ютуқлар ўз аксини топган, Унда дори-дармон, тўқимачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда етакчилик қилаётган юздан ортиқ фирма, компания ва қўшма корхоналарнинг маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Кўргазма иштирокчилари орасида кичик ва ўрта бизнес вакиллари талайгина эканини таъкидлаш ўринли. ЕТТБ мана шу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиши ҳисобга олинса, Ўзбекистонда мазкур банк билан ҳамкорликни янада ривожлантириш учун жуда қулай имконият мавжудлиги яққол намоён бўлади.

Кўргазма билан танишган ЕТТБ биринчи вице-президенти Н.Дойл оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида Ўзбекистондаги ўзгаришларга юқори баҳо берди. Мамлакатимизнинг автомобилсозлик, енгил саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда эришган ютуқларини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистон автомобиль, қишлоқ хўжалиги техникасини экспорт қилаётгани мени, айниқса, ҳайратга солди, — деди ЕТТБ биринчи вице-президенти.

Кўплаб хорижий делегация вакиллари, бизнесмен ва журналистлар иштирок этган бу кўргазма ЕТТБ мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган меҳмонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— ЕТТБ саммити Ўзбекистонга келаётган сармоя ҳажмини ошириш ва мамлакатингизнинг иқтисодий қудратини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз, — деди Швейцариянинг «Данавант С.А.» компанияси департаменти директори Пьер Шехаб ЎзА мухбири билан суҳбатда. — Компаниямиз, асосан, пахта сотишга ихтисослашган. Шу боис Ўзбекистондаги ислоҳотларни катта қизиқиш билан кузатиб борамиз. Кейинги йилларда мамлакатингизда улкан ижобий ўзгаришлар юз берди. Мазкур саммит ҳам ана шундай ислоҳотлар самарасидир. Бугунги кўргазма эса турли мамлакатлар ишбилармонлари ўзаро ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашда жуда муҳим аҳамият касб этади.

— Юртингиздаги ўзгаришлар, ҳақиқатан ҳам, улкан, — деди Канада ташқи ишлар ва халқаро савдо департаменти маслаҳатчи-вазири Грэм Раш. — ЕТТБнинг бу галги саммити олдинги мажлисларидан тубдан фарқ қилади. Тошкент анжуманига қатор мамлакатлар президентлари, ҳукумат бошлиқлари, вазирлар, йирик халқаро молия муассасалари раҳбарлари ташриф буюриши саммит нуфузини янада оширади. Осиё қитъасида илк бор ўтаётган бу саммитга Ўзбекистон мезбонлик қилаётгани ҳам мамлакатингизга бўлган ишонч ва ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириши шубҳасиз.



**Суратларни Абдувоҳид ТЎРАЕВ, Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) ва Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВлар олган.**

## Ўзбекистон — Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки:

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Europa
Tiklanish va Taraqqiyot
Banki

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси айнан республикамиз пойтахти Тошкентда ўтказилишини ушбу ташкилот томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларга бўлган ишончнинг амалий кўриниши, деб баҳолаш мумкин.

ЕТТБ 1991 йилнинг апрелида Марказий ва Шарқий Европада рўй бераётган йирик сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг ифодаси сифатида ташкил этилган. Ҳозирда ЕТТБ халқаро ташкилот бўлиб, ўз таркибига 60 давлат, Европа ҳамдўстлиги ва Европа инвестиция банкини қамраб олган. Унинг инвестицион инструментлари бозор иқтисодиёти ва демократиянинг шаклланишига ёрдам тариқасида Марказий Европадан тортиб то Марказий Осиёгача — жами 28 давлатда қўлланилмоқда. Банкнинг штаб-квартираси Лондон шаҳрида жойлашган. Шуни таъкидлаш лозимки, Халқаро Валюта Фонди (ХВФ)га аъзо бўлган ҳар қандай давлат ЕТТБга ҳам аъзо бўлиб кириши мумкин. Ҳозир ЕТТБнинг чиқаришга рухсат берилган капитали 19,64 млрд. еврога тенг бўлиб, шундан 5,2 млрд. еврога тенг қисми тўланган.

ЕТТБнинг бош вазифаси — мустақилликка эришган ва марказлаштирилган иқтисодиёт тизимидан воз кечган мамлакатлар, жумладан, Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларининг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларига, шунингдек, унга аъзо бўлган мамлакатларда хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига кўмаклашишдан иборат.

Албатта, ЕТТБ муайян мамлакатда инвестицион лойиҳаларни амалга оширар экан, бу инвестициялар ўша мамлакат учун муҳим ва долзарб бўлган жараёнлар ва соҳаларга йўналтирилган бўлади. ЕТТБ — анъанавий маънодаги банк эмас, яъни фойда кўриш — унинг бош мақсади эмас, балки ўз номи ўзи билан тикланиш ва инқирозга кўмак берувчи банкдир. Шунинг учун ўзи ажратаётган маблағлар аъзо мамлакатларнинг тикланиши ва тараққиётига самаралироқ таъсир қилиши учун доимо устувор йўналишларни белгилаб боради. Бундай йўналиш ва мақсадларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- **Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва маълум тармоқда ислоҳотлар ўтказилишига кўмаклашиш;**
- **Миллий иқтисодиётда рақобат, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш;**
- **Молия ташкилотлари ва ҳуқуқий тизимни мустаҳкамлаш;**
- **Кичик ва ўрта бизнесни, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш учун зарур инфратузилмани ривожлантириш;**
- **Самарали корпоратив бошқарув тизимини жорий этишга кўмаклашиш;**
- **Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш ва ҳоказо.**

Ўзбекистоннинг ЕТТБ билан ҳамкорлиги мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ бошланди. Биз 1992 йилнинг апрелида ЕТТБнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлдик. Ушбу ташкилотнинг республикамиздаги ваколатхонаси 1993 йилда очилди.

Мамлакатимизда ЕТТБ иштирокидаги илк лойиҳалар 1993 йилда амалга оширила бошланди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ЕТТБ иштирокида жами қиймати 1,4 млрд. долларга тенг 20 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, улардаги ЕТТБ ҳиссаси 723,8 млн. долларга тенг. Буларнинг асосий қисми тоғ-кон саноати ва ёқилғи-энергетика соҳаларида амалга оширилган ўта муҳим лойиҳалардир.

Банк, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни ҳам фаол қўллаб-қувватламоқда. Ушбу йўналишга ажратилган маблағлар 360 млн. долларни ташкил этди. Бугунги кунга келиб ушбу кредит линиялари ҳисобидан 173 млн. долларга яқин маблағ ўзлаштирилди, натижада 9 мингга яқин янги иш жойлари ташкил этилишига, қарийб 45 млрд. сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилишига эришилди.

*ЕТТБ қачон ва қандай мақсадда ташкил этилган?*

◆◆◆

*Бу халқаро ташкилотга аъзо бўлиш шартлари қандай? Бугун неча мамлакат унга аъзо?*

◆◆◆

*ЕТТБнинг бош вазифаси нималардан иборат? Аъзо мамлакатларга асосан қандай йўналиш ва мақсадлар учун маблағ ажратади?*

◆◆◆

*Ўзбекистон ва ЕТТБ ҳамкорлиги қачон бошланган, бу ташкилот иштирокида мамлакатимизда қандай лойиҳалар амалга оширилган?*

Ҳамкорликнинг муҳим йўналиши бўлиб молиявий сектор ҳисобланади. ЕТТБ иштирокида республикамизда иккита банк — АБНАМРО банк, ЎзДЭУ банк ва бир халқаро лизинг компанияси — «Ўзбеклизинг» фаолият кўрсатмоқда. Республикамиз йирик банкларидан бири — «Асакабанк» хусусийлаштиришга тайёрланмоқда, унинг лойиҳасида ЕТТБ ўз маблағлари билан қатнашиши кутилмоқда.

Банк республикамизнинг экспорт салоҳиятини оширишда катта аҳамият касб этаётган енгил саноат соҳасини ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Жумладан, «Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳани амалга ошириш учун 10 млн. доллар, қўшма корхона фаолиятини янада такомиллаштириш учун эса 14 млн. доллар миқдорида кредит ажратган.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 40 млн. АҚШ долларига тенг Тошкент шаҳар сув ва иссиқлик таъминотини яхшилашга қаратилган икки лойиҳа ижросига киришилмоқда.

ЕТТБ «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасини молиялаш учун 112 млн., Тошкент аэропортини таъмирлаш учун 36 млн., Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи учун 90 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажаратганини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

Айни пайтда республика иқтисодиётининг турли соҳаларини ривожлантириш учун умумий қиймати 320 миллион АҚШ долларига тенг яна саккизта лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳам тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ва ЕТТБ ўртасида ҳамкорлик узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, у ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида қурилган. Ушбу ҳамкорлик фақат молиявий жиҳатлар билан чегараланиб қолмай, балки умуминсоний қадриятлар, жамият ривожи, демократия тараққиёти каби долзарб йўналишларни ҳам ўз ичига олади.

Шу ўринда газетхонларимиз эътиборига ушбу анжуман билан боғлиқ яна бир қизиқ фактни ҳавола этмоқчимиз: агар ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлислари ўтказилган жойлар географиясига эътибор берадиган бўлсак, маълум бир тартиб борлигининг гувоҳи бўламиз. Ташкилот ташкил бўлганидан бери ўтган ўн икки йил мобайнида ҳар тоқ йиллардаги кенгаш йиғилишлари Банкнинг бош офиси жойлашган Лондон шаҳрида бўлиб ўтган, 2003 йилги йиғилиш эса илк бора ушбу тартибдан четга чиққанлигини кўрамиз.

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Бошқарувчилар кенгашининг пойтахтимиз Тошкентда ўтаётган XII йиллик мажлиси давомида ушбу анжуман иштирокчилари республикамизнинг қулай инвестицион муҳити, бой хомашё потенциали ҳамда меҳнатсевар халқи билан танишиб, ўзлари учун янги инвестиция қўйиш соҳаларини топишларига ишончимиз комил.

**Камолиддин ТОЛИПОВ,**
**Марказий банк ҳузуридаги Пул-кредит сиёсати маркази раҳбари**

МУНОСАБАТ

# Тарғиботнинг аниқ йўналишлари белгиланди

Президентимиз Олий Мажлис XI сессиясида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизнинг давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар яратишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида Ироқдаги воқеалар билан боғлиқ масалаларга алоҳида тўхталиб, ҳукуматимизнинг ушбу муаммо бўйича танлаган йўлини ҳар томонлама асослаб берди. Бунда, бугун жаҳон майдонида ўзини намойиш қилаётган даҳшатли таҳдидлардан, халқаро террорчилик ва жангари, ақидапарастлик хуружларидан Ватанимиз, халқимизни асраш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш мақсадида, республикамиз раҳбариятининг барча фуқароларимиз қўллаб-қувватлаётган изчил сиёсати ўз ифодасини топди.

Партиямиз фаоллари ва депутатларимиз мазкур сессия қабул қилган қонунлар, Юртбошимиз маърузасида илгари сурилган фикр ва ғоялар мақсад-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш режаларини ишлаб чиқди. Халқимиз қабул қилинаётган қонунлар аҳамиятини қанча чуқур англаса, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан кенгроқ хабардор бўлса, жамият сиёсий маданияти шунчалик юқори бўлади.

**Ҳайдар БОБОХОНОВ, ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши биринчи котиби, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати.**

# Қизми ё ўғил?

## Ургут туманидаги ташҳис ва даволаш марказида кўрсатилаётган хизматдан беморлар мамнун



Виқорли тоғ чўққилари бағридаги шифо маскани бундан саккиз йил олдин фаолият бошлаган.

— Ҳозир 15 нафар шифокордан уч нафари олий тоифали мутахассис. Айниқса, тиббиёт фанлари доктори, профессор Сайфулла Обидовнинг хизматларидан мамнунмиз, — дейди марказ раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Карим Ҳақбердиев. — Тиббий хизмат асосан давлат тасарруфида. Лаборатория, таҳлил ва ташҳисларнинг баъзилари пуллик, лекин арзон.

Иккита замонавий ультратовуш текшириш аппарати Германиядан келтирилган. Бу аппаратларда ҳам ташҳис, ҳам даволашни бажариш мумкин. Чунончи, эр-хотинларнинг бири ўғил, иккинчиси қиз дейди. Бу борада мутахассис Ашурали Аҳмедовнинг ташҳисларидан кўпчилик мамнун. Шунингдек, буйрак касалликларига ҳам ташҳис қўйишда кафолатланган хизмат кўрсатилмоқда.

Олти каналли электрокардиограф аппаратида юрак хасталиклари аниқланиб, даволашга киришилади. Бунда аппарат хизматидан йилига 3 минг нафардан зиёд бемор фойдаланмоқда. Бундан ташқари сунъий ўпка вентеляциясини амалга оширувчи — наркоз берувчи аппарат, тиш касалликларини текшириш ва даволаш ускуналари, қизилўнгач, ошқозон, ўн икки бармоқли ва тўғри ичаклардаги касалликларни аниқлайдиган индоскапик аппаратлар мавжуд.

**(Ўз мухбиримиз)**

ХДП ХАБАРИ

# Вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон ХДП Миробод туман кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП МК V Пленуми ва Тошкент шаҳар кенгаши VI пленумининг «Мамлакатимиздаги парламент ислоҳоти ва ЎзХДП ташкилотларининг вазифалари ҳақида»ги қарорларини бажариш юзасидан туман партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Ушбу масала юзасидан туман кенгаши биринчи котиби Р.Кушчева маъруза қилди ва у мамлакатда парламент ислоҳоти бошлаб юборилган ҳозирги босқичда 2004 йил сайлов компаниясига қадар сайлов округларида ҳудудий партия гуруҳларини ва бошқа шунга ўхшаш партия тузилмалари яратиш ишларини якунлаш бошланғич партия ташкилотларининг долзарб вазифаларидан бири эканлигини таъкидлади. Партиянинг бу структура бўлимларида сафарбарликни, тарғибот-ташвиқот ишларида фолликни шакллантириш, унинг имкониятларини аҳоли ва сайловчилар ўртасидаги ишларни такомиллаштиришга қаратиш муҳим. Унинг кучи билан ҳар бир сайлов округида ижтимоий таркиб ва электоратни, унинг сиёсий жойлашуви, ҳолати, сўрови ва қизиқишини ўрганиш бўйича тартибли иш олиб бориш мумкин. Шунингдек, сайлов компанияси шароитида иш юритиш усуллари билан фаолларни ўқитиш чораларини кўриш лозим.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан музокараларда қатнашган — А.Эгамбердиев, З.Назарова, Н.Убайдуллаева, З.Жўраева, И.Каримов ва бошқалар ҳам ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдириб, партиямизнинг жамиятда тутган мавқеини ошириш, уни мўртлик ва заифлик ҳолатидан чиқариш учун, аввало, барча партия аъзолари фаолликни кучайтириши кераклигини таъкидладилар. Пленумда ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгашининг иккинчи котиби В.Медведев иштирок этди.

**(Ўз мухбиримиз)**

ТААССУРОТ

Айтишларича, болалик йилларида хотира ўта кучли бўлиб, бола яшаётган ижтимоий муҳит унинг дунёқараши шаклланишига жиддий таъсир кўрсатар экан.

Бу ҳақда Финляндиянинг собиқ президенти Марти Ахтисаари раҳбарлик қилаётган Халқаро танглик гуруҳи вице-президенти Ален Делетрос суҳбат чоғида сўз юритди. Дарвоқе, Ален Делетрос бир неча йиллар давомида Ўзбекистонда ишлаб, яқинда ўз юртига қайтди.

# Маҳаллага Европадан назар

У ўғлининг бельгиялик тенгдошларининг юриш-туришлари, хатти-ҳаракатларини Ўзбекистондаги дўстлари билан қиёс қилишини сеза бошлади. Ота-она фарзандининг Тошкентда тенгдошлари каби тиниб-тинчимас бўлганини, бўш вақтида маҳалла болалари билан футбол ўйнаганини, Бельгияга қайтганларидан сўнг эса у ердаги тенгдошлари билан муомала қилишни ҳам деярли тўхтатиб қўйганини қайд этдилар.

Мактабда А.Делетроснинг ўғлига бир неча йиллар давомида ота-онаси билан бирга яшаган мамлакат тўғрисида иншо ёзишни таклиф этишди. Шунда бола унинг энг севган мамлакати серқуёш Ўзбекистон эканини таъкидлаб, юртимизнинг тарихий шаҳарларига қилган сафарлари тўғрисидаги илиқ таассуротларини қоғозда акс эттиради. Хусусан, у ҳаётда унга бахт кулиб боққанини, шу боис Самарқанд, Бухоро ва Хива каби гўзал шаҳарларни зиёрат этишга муяссар бўлганини қайд этади.

Ўсмирнинг ёзишича, унга ўз Ватанида эркинлик, ўзбек маҳалласидаги каби ёзилмаган қоидаларга риоя қилиш, ўзаро илиқ муносабатлар баробарида қийин лаҳзаларда елкадошлик муҳити етишмаслигини таъкидлайди.

Албатта, ҳар бир инсон учун унга ўз Ватани азиз. Зеро, у ота-оналар каби танланмайди. Лекин, модомики, бу европалик бола мамлакатимиздан шунча таассуротлар билан кетган экан, демак биз европаликларда мавжуд бўлмаган ва минг йиллик тарихимиз давомида шаклланган ажойиб анъана ва урф-одатлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**Ж.ДЕҲҚОНОВ, «Жаҳон»АА,** Брюссель.

# «Шаббоз» деҳқон бозори чирой очмоқда

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар бозорларимиз фаолиятига ҳам ижобий таъсир қилмоқда. Улардаги савдо расталари ўзимизда — Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлиб бораяпти. Буни Беруний туманидаги «Шаббоз» деҳқон бозори мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. У очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиши билан сотувчиларга ҳам, харидорларга ҳам хизмат кўрсатиш маданияти яхшиланди. Мавжуд 380 та савдо шахобчасининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотувчиларига ажратилди.



Расталардаги маҳсулотларнинг мўл-кўллигини таъминлаш мақсадида ўтган 2002 йилда тумандаги 32 та фермер хўжалиги билан шартномалар тузилди. Йил мобайнида 235,5 тонна сут, 40,5 тонна гўшт, 29,5 тонна мева, 5 тонна сабзавот, 197 тонна полиз ва 3 тоннадан зиёд дон маҳсулотлари аҳолига етказиб берилди. Яратилган қулайликларни ошириш йўлида 300 ўринга мўлжалланган автомобиллар тўхташ жойи қурилди, савдо лотокларининг усти ёпилди. Илгари бозор ҳудудида фойдаланилмай ётган жойларда қайтадан таъмирлаш ишлари олиб борилиб, мева-сабзавотларни ювиш ҳовузчалари, тарозиларни тозалаш ваннаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тушириш ва юклаш майдончалари барпо қилинди. Айниқса, бозор ёнида қурилиши ўтган йили бошланган «Деҳқонлар уйи»нинг фойдаланишга топширилиши қувончли бўлди.

**Рустам ЎТАМУРОДОВ**

# Тадбиркорлар манфаатини кўзлаб

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раҳбарияти ва Жиззах вилояти ҳокимининг ташаббуси билан Жиззах вилоят хўжалик суди қошида тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга амалий ёрдам бериш мақсадида «Хўжалик ҳуқуқи» ўқув маркази ҳамда «Тадбиркорлар уйи» ташкил этилди.

Ўқув маркази тадбиркорликни ташкил этиш асосларидан бошлаб унинг фаолиятини оёққа турғазиш давригача бўлган жараён бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар беради, амалий ёрдамлар кўрсатади, шу билан бирга тадбиркорларга ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ҳам тушунчалар беради.

Мазкур ўқув маркази тадбиркорларга қонун ҳужжатлари, «Тадбиркорлар уйи»да ўргатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мазмун-моҳиятини тўла англаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг турли ҳужжатлари билан янада кўпроқ танишиш имконини яратади. Бу эса ўз навбатида тадбиркорларга нисбатан ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Ўқув маркази ва «Тадбиркорлар уйи»да мижозлар учун барча қулайликлар яратилган. Хўжалик судига мурожаат қилишда тўланадиган давлат божи ва суд-почта тўловлари шу ернинг ўзида амалга оширилади.

Бундан ташқари энг сўнгги технологиялар, замонавий компьютер жиҳозлари, турли ҳуқуқий адабиётлар, Интернет тармоғига уланиш каби хизматлар кўрсатилади. «Тадбиркорлар уйи»да эса тадбиркорлар учун девонхона моллари сотиладиган дўкон, овқатланиш ва дам олиш хоналари ташкил этилган.

Ўқув марказида хўжалик қонунчилиги, шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларига доир ўқув машғулотларини вилоят хўжалик судининг судьялари, юқори малакали мутахассислар, шунингдек, адлия, банк, солиқ, божхона ходимлари, вилоят фонд ва товар биржалари мутахассислари олиб боришади. Машғулотларга ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимлар жалб этилади. Машғулотлар курси якунида тингловчиларга ўқув марказининг сертификатлари топширилади.

**(Ўз мухбиримиз)**

# «ЭКОСАН» — маҳаллада

«Экосан» халқаро жамғармасида ўтказилган навбатдаги йиғилиш «Обод маҳалла йили»га бағишланди. Йиғилишда жамғарма бошқаруви аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари ва мухбирлар иштирок этишди. Мақсад, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-экологик соҳадаги мавқеини кўтариш, маҳалла аҳлининг санитар-гигиеник ва маданий турмуш даражасини ошириш, ободончиликка, табиат муҳофазасига эътиборни кучайтиришдан иборат эди.

«Маҳалла ободлиги ижтимоий экологик ўлчамларда» мавзусида халқаро конференциянинг уюштирилгани ҳам шундан. Айни пайтда сув муаммоси мавжуд бўлган ноқулай минтақаларда яшовчиларни ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида Эрон Ислом Республикаси томонидан халқаро жамғармага берилган 118000 АҚШ доллари миқдоридаги 100 та сув насоси Қорақалпоғистон, Бухоро, Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятларига тарқатилгани маълум бўлди. Шунингдек, маҳаллаларда юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида Бухоро, Хоразм, Сирдарё, Наманган вилоятларидаги маҳаллаларга 4 миллион 200 минг сўм миқдорида дезинфекциялаш воситаси хайрия йўлида тарқатилган.

**Роҳила ИСМАТУЛЛАЕВА**

ДИЛ ИЗҲОРИ

# Қўлингиз дард кўрмасин!

... Бетоб бўлиб, Тошкентдаги вилоят ўсма касалликлари шифохонасига тушиб қолдим. Шифокорлар керакли муолажаларни қилиб оёққа туриб кетишимда ёрдамларини аямади. Жарроҳлик бўлими бошлиғи Шоабдулла Алматов ва қўли енгил ҳамширалар Нургул опа, Малика опа, Ҳилола, Нилуфар, Гуллола ҳар куни ҳолимдан хабар олиб турдилар. Ўшанда мен «иккинчи гуруҳ ногирони бўлганлигим учун алоҳида эътибор бераётган бўлсалар керак», деган ўйга борувдим. Лекин, яқинда у ерга бошқа бир беморни кўргани бориб, ўша шифокорлар касалхонадаги барча беморларга менга қандай қарашган бўлса, шундай қарашаётганининг гувоҳи бўлдим, дардига малҳам излаб келганларнинг ҳаммасидан улар ҳақида хушнуд сўзлар эшитдим.

Улар нафақат дори-дармон, балки ширин сўзлари, меҳрибонликлари билан ҳам беморлар дардига шифо бермоқда. Бундай шифокорларнинг қўли асло дард кўрмасин!

**Сарагул САКБАЕВА, Тошкент вилояти, Бекобод тумани**


## Корхона ва ташкилотлар диққатига!

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз марказий аппарати биносини капитал таъмирлашни амалга ошириш учун Танлов савдоси (тендер) ўтказишини эълон қилади**

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй; тел.: 133-81-81.

Қурилиш ишлари буюртмачи маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Қурилиш ишларини тугатиш муддати — жорий йил охиригача.

***Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:***

— улар етарли касбий ва техник малакага, молиявий маблағ ва бошқа моддий имкониятларга, ўзаро ишончга, тажриба ва кўникмага, шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ҳуқуқларига ҳамда қобилиятга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳужжатларнинг бир тўплами (комплекти) қиймати 50000 сўм;

Таклифлар (оферталар) юқорида кўрсатилган манзил бўйича соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Таклифларни (оферталарни)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

***Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:***

***Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй, тел.: 133-81-81, Ўзбекистон Адлия вазирлиги биносида***


ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

# Ироқ: ҳаёт изга тушмоқда

Ироқда уруш тугади. Бу расмий эълон қилинди. Бироқ, ҳамон яшириниб юрган қаршилик кўрсатувчи майда ва тарқоқ кучлар мавжуд. Улар қўққисдан ҳужум уюштириб қолишлари мумкин. Шунинг учун ҳам коалиция кучларининг сезгирлиги ва жанговар тайёргарлиги оширилган. Улар мамлакат хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш учун халқаро тинчлик контингентлари ҳамда Ироқ полицияси билан ҳамкорликда кўчаларда патруллик қилишмоқда. Ҳаёт эса аста изга тушиб бормоқда.

Маълумки, уруш бошланишидан олдин мамлакатда фаолият юритаётган барча элчихонаю ваколатхоналарнинг дипломатик вакиллари Ироқни тарк этган эди. Мана энди улар яна қайтиб келмоқдалар. Яқинда Буюк Британиянинг дипломатик миссияси Ироқда фаолиятини бошлаган бўлса, куни кеча Покистоннинг Ироқдаги элчихонаси ҳам қайтадан иш бошлади. Покистон телевидениесининг хабар беришича, Бағдодга шахсан элчининг ўзи ҳали ташриф буюрганича йўқ. Шунинг учун миссия фаолиятини Покистон ишлари бўйича ишончли вакил Ирфон Шавкат вақтинча бошқариб турадиган бўлди. Шунингдек, Ироқ пойтахтида парламент аъзоси, доктор Фирдавс Ошиқ Эвон бошчилигидаги Покистон шифокорлари гуруҳи ҳам иш олиб бормоқда. Улар бир қатор шифохоналарга ташриф буюриб, у ердаги дори-дармон, тиббий анжому мутахассисга бўлган эҳтиёжларни ўрганадилар ва шунга қараб ўз хизматларини таклиф этадилар.

Австралия ҳам шу ойда ўз ваколатхонасини қайта очишни режалаштирмоқда. Негаки, Ироқни ҳарбий ҳолатдан кейин қайта тиклаш ишларида ўз амалий ҳаракатларини мувофиқлаштириб туриш учун ҳам бундай ваколатхоналарни тезроқ очиш лозим. Австралия ташқи ишлар вазири Александр Даунер таъкидлаганидек, Австралиянинг Бағдоддаги ваколатхонаси Ироқни қайта тиклаш, Ироқ халқининг тинч ва фаровон ҳаётга эришиши йўлида керакли ёрдамни ташкил этишда кенг имкониятлар яратади. Бундан ташқари, Саддам Ҳусайн тузумини ағдаришдек ҳарбий операцияларда иштирок этган 2 минг кишилик Австралия контингентининг асосий қисми шу ойда Ироқдан олиб чиқиб кетилади. Демак, бу ишларни ташкиллаштиришда ҳам ваколатхонанинг ёрдами каттадир.

Reuters берган хабарга кўра, ваколатхонани тажрибали дипломат Нил Мьюлз бошқаради.

Энди яшириниб юрган Ироқнинг собиқ раҳбарлари тақдири ҳақида тўхталадиган бўлсак, аввало шуни айтиш лозимки, қидирувдаги 55 нафар шахснинг деярли ярми қўлга олинган. Шунингдек, яқинда яна уч нафари қўлга туширилганлиги ҳақида бирлашган марказий қўмондонлик Associated Press агентлигига маълум қилди. Улар собиқ ҳарбий саноат вазири, қидирувдаги кишилар рўйхатининг 16-ўрнида қайд этилган Абдул Тавоб мулла Ҳувайш, Ироқнинг собиқ вице-президенти, инқилобий қўмондонлик кенгаши аъзоси Таха Мухи ад-Дин Маъруф (рўйхатда 42-ўринда) ҳамда «Баас» партияси олий раҳбарияти ва инқилобий қўмондонлик кенгаши аъзоси Мизбон Кхадр Ходилардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қидирувдаги собиқ раҳбарлар қанчалик тез топилса, Ироқда тинчлик ва осойишталик, барқарорлик ва ривожланиш шунча тезроқ мустаҳкамланади. Акс ҳолда Ироқ халқи ҳаётига, уни диктатурадан халос этган коалиция кучларига тажовуз хавфи сақланиб қолаверади.

**Алимқул СУЛТОН**






Бухарест меҳмонхонаси

## Қутқарув давом этмоқда

Туркиянинг шарқий ҳудудида юз берган зилзила оқибатида 105 киши оламдан кўз юмган, 499 нафари оғир жароҳат олган. Қулаган бинолар орасидан одамларни қутқариш ишлари давом этмоқда. Жумладан, Бенгёл шаҳридаги интернат қулаши оқибатида 198 ўқувчи бино остида қолган.

CNN телекомпанияси хабарига кўра, 80 нафар ўқувчи қутқариб олинган, 15 нафари ҳалок бўлган. Қолганларининг тақдири ҳозирча номаълум.

# Саддам Ҳусайннинг биринчи хотини

## ҚИЗЛАРИ БИЛАН ИРОҚДА ЯШАМОҚДА

Муҳолифатдаги «Ироқ ватанпарварлик партияси» етакчиси Шаабан Жабур Саудия Арабистонида чоп этиладиган «Аш-Шарқ ал-Аусат» газетасига маълум қилишича, Саддам Ҳусайннинг биринчи хотини Сожида Хайрулла Тулфах ва унинг уч қизи — Роҳат (40 ёш), Раъно (36 ёш) ва Хола (32 ёш) Бағдоддан 400 километр шимолда жойлашган Мосул шаҳри ғарбидаги «Робиа» туманида яшамоқда. Уларнинг хавфсизлиги маҳаллий «ҳокимият» томонидан таъминланган.

Шаабан Жабурнинг айтишича, Сожида ва қизларининг Саддам Ҳусайн тузуми ишларига умуман алоқаси йўқ.

Араб оммавий ахборот воситаларининг аввал хабар берганидек, улар Саддам Ҳусайннинг 60 нафар шахсий қўриқчилари кузатуви остида 18 март куни Сурияга ўтиб, Дамашқдаги Ироқ элчихонасига жойлашган эди. Бироқ АҚШ талабидан сўнг Сурия уларни мамлакатдан чиқариб юборди ва улар 19 апрелда яна Ироққа қайтиб боришган.

Эслатиб ўтамиз: Саддам Ҳусайн 1983 йили таниқли кўз шифокори Анис Шохбандарни турмуш ўртоғидан ажратиб олиб, унга уйланган. Бу иккинчи хотинидан Алия исмли қиз кўрган. Ҳозир у 19 ёшда. Уларнинг тақдири ҳақида ҳеч нарса маълум эмас.

